Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаларига

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаларига

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бошқармаларига

Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармаларига

Туман (шаҳар) халқ таълими, мактабгача таълим, молия ва ғазначилик бўлинмаларига

Касб-ҳунар коллеж ва академик лицейларга

Коронавирус пандемияси даврида таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг йиллик асосий меҳнат таътили учун тўловларни амалга ошириш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблашда Директор жамғармаси ёки Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасидан тўланган тўловлар инобатга олиниши ёки олинмаслиги, шунингдек "Ёшлар етакчиси" вазифаси юкланган ўқитувчиларга (ходимга) ушбу жамғарма ҳисобидан тўловларни амалга ошириш бўйича келаётган мурожаатлар юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон "2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларидан ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1 – 3 разрядлари қўлланиладиган ходимлардан ташқари) ишлайдиган ходимларга 2020 йилнинг 16 апрелидан 1 октябрига қадар моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда

директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туриш белгиланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 148-моддасида йиллик таътиллар даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланиши кўрсатилган.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 169-моддасида ходимга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби барча ҳолларда (кафолатли тўловларни бериш, таътил вақти учун ҳақ тўлаш, вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, зарарни қоплашда, мажбурий прогул қилинганда ва бошқа ҳолларда иш ҳақи тўлаш), пенсия тайинлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришни истисно этганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши кўрсатилган.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартибига мувофиқ таътиллар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш, шунингдек олий таълим тизимида ўқиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш даври учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказолар), ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарифакация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси тўғрисидаги низомга мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “Ёшлар етакчиси” вазифаси юкланган ўқитувчига (ходимга) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама белгиланган.

Шу муносабат билан ходимларга йиллик асосий меҳнат таътилини ҳисоблашда:

а) меҳнат таътилини ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация рўйхати ёки штатлар жадвали бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

б) Директор жамғармаси ва Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган барча тўловлар инобатга олинади. Бунда, ходимлар учун охирги бир йил давомида Директор жамғармаси ва Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган барча тўловларни (ҳар

ойлик устама, мукофот, моддий ёрдам) ўн иккидан бирга (биринчи йил ишловчи педагог ходимлар ишлаган даврига мутаносиб ҳолда олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга, етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга в.ҳ.) оширган ҳолда ҳисобланади;

в) 41 11 100 “Асосий иш ҳақи” харажатлар моддаси билан бир қаторда 41 11 210 “Умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси маблағлари” ва 41 11 230 “Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси” харажатлар моддаларидан амалга оширилади. Ушбу тартиб фақатгина меҳнат таътили пулларини ҳисоблаш ва тўлаш учун татбиқ этилиб, ходимларга ойлик иш ҳақи ҳисоблашга қўлланилмайди;

г) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “Ёшлар етакчиси” вазифаси юкланган ўқитувчига (ходимга) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама тўлаш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазири
ўринбосари

_____ **Т. Комилов**

2020 йил «19» майдаги 03/34-6289-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазири
ўринбосари

_____ **С. Бузрукхонов**

2020 йил «29» майдаги 32-01-1499-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазири
ўринбосари

_____ **Ш. Шарахметов**

2020 йил «___» майдаги 04/05-12-07-38 1825-сон

Ўзбекистон Республикаси
мактабгача таълим вазири
ўринбосари

_____ **Ш. Маматқулов**

2020 йил «29» майдаги 04-04/1975-сон